2008 ЙИЛ, 9 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 6 (11.067) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **ЎТГАН** куни Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими, "Тенгдош" маданият уйи ҳамкорликларида кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида янги йил муносабати билан театрлаштирилган томоша ўтказилди.

• **"СОҒЛОМ** авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган тадбир ўтган йилда бажарилган ишлар ҳамда жорий йил режалари муҳокамасига бағишланди. Шунингдек, тадбир давомида кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ногирон болаларга тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар туҳфа этилди.

• **МАМЛАКАТИМИЗДА** уяли алоқа тармоғини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб шаҳримизда ўтказилган тадбир "Coscom" уяли алоқа компанияси ташаббуси билан уюштирилди.

• **"ЭКОСАН"** халқаро ташкилоти ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорликларида жорий йилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари ортилган биринчи "Саломатлик" поезди кеча Тошкентдан Хоразм вилоятига жўнаб кетди.

• **ЯНГИ** йил муносабати билан Чилонзор туманидаги 178-мактаб-интернатда тарбияланувчилар томонидан тайёрланган театрлаштирилган томоша йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**





*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

## ЙИГИТЛАР САФ ТОРТГАНДА

**ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БУЮК ВА ШАРАФЛИ КАСБ. ЭР КИШИ УЧУН ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТНИ АСРАШ, ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИНИ САҚЛАШДАН МУҲИМРОҚ ВАЗИФА БОРМИКИН ДУНЁДА?**

Шулар ҳақида ўйлар эканмиз навқирон, шердил йигитларимизнинг Ватан туйғусини нақадар теран англаган ҳолда ҳарбий хизматни шараф ва ғурур-ифтихор билан ўтаётганларидан беихтиёр қалбимиз қувончга тўлади. Ота-оналаримизнинг юртга садоқатли, фидойи фарзандлар тарбиялаётганларидан кўнглимиз таскин топади. Зеро, Ватан ҳимоячилари бор экан, хонадонимиз тинч, оиламиз осойишта, юртимиз ёвуз кучлардан йироқ бўлади. Эл тинчлигини сақлашда, юрт сарҳадларини ёвуз кучлардан асрашда Ватан ҳимоячилари меҳнатини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

14 январь "Ватан ҳимоячилари куни" сифатида юртимизда катта тантана билан нишонланади. Бу кун нафақат Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар учун, балки диёримизнинг ҳар бир оиласи учун ўзига хос тантанадир. Президентимиз "Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" деган эдилар. Шу боис ҳам озодликнинг илк йиллариданоқ Қуролли Кучларимизни замонавий техникалар билан бойитиш, аскарларимизни нафақат жисмонан, балки маънавий-сиёсий онгини юксалтириш, уларни замонавий техника ҳамда ҳарбий маҳоратини ошириш ҳукуматимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Натижада қисқа вақт ичида Ўзбекистон армияси тубдан ислоҳ қилиниб, ҳар томонлама етук, баркамол, кучли аскар ва зобитларига эга бўлди. Ҳозирда ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг барчаси бу соҳанинг машаққатига қарамай она юрт тинчлигини ҳимоя қилишаётганини ғурур ва ифтихор билан айтишади. Аслида ҳаммамиз Ватан ҳимоячисимиз. Бироқ аскар, зобитлар эса бу туйғуни бизга қараганда бир неча бор ортиқ масъулият билан ҳис қилишади, англашади.

— Баҳорги чақирувда хизматга келдим, — деди ҳарбий қисмда йигитлик бурчини адо этаётган оддий аскар Одилжон Ҳожаев. — Ҳарбийда хизмат қилиш давомида жисмонан янада бақувват бўлдим, сиёсий онгим анча ўсди. Айниқса, мураккаб техникаларни ўзлаштириб, ҳарбий мосламаларни моҳирлик билан ишлатишни, замонавий алоқа ускуналарини пухта билишни ўргандим. Ҳавода, сувда ва қуруқликда қўлланиладиган мудофаа тизимларини тўлиқ ўзлаштирдим. Ҳукуматимизнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга бериладиган имтиёзларидан фойдаланиб, олий ўқув юртларига кириш учун бериладиган тавсифномани қўлга киритиш ниятидаман. Президентимиз томонидан 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши мен каби ҳарбий хизматни ўтаётган дўстларимни ҳам беҳад қувонтирди. Жорий йилнинг "Ёшлар йили" деб номланиши ёшларга Президентимизнинг алоҳида эътибор беришлари натижаси деб биламан.

Ҳозирда йигитларимиз мустақил армиямиз сафларида ҳам маънан, ҳам жисмонан кучга тўлиб, юртимиз мустақиллигини ва халқимиз фаровонлигини ҳимоя қилишаётганини қалбан, юракдан ҳис қиладилар. Улар ҳарбий хизматда ўтаётган кунларининг маъносини теран англаб, бундан фахрланиб юрадилар. Айниқса, ҳарбий хизматга кетаётган йигитларнинг оила аъзолари билан хайрлашув пайтини кузатсангиз, ҳар бир ўзбек оиласида ўғил вояга етгач уни армияга кузатиш катта тантана, шодиёна билан амалга ошиши урф-одатларимиздан бирига айланиб қолганлигини ҳис қиласиз. Бу халқимизни, йигитларимизни армияга бўлган ишончи ва ҳурматидан далолатдир. Ҳар қандай ота-она учун ўз жигарбандини олисга жўнатиш жуда оғир. Бироқ собиқ шўро тузумида иқлими бутунлай бошқача, Россиянинг олис чеккаларига, бегона ўлкаларга ҳарбий хизматга борган йигитлар ўз бурчини ўтаб қайтгунча, оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳаловатсиз, хавотирда яшарди. Ҳозир йигитларимиз мустақил армиямиз сафларида, юртимиздан ташқарига чиқмаган ҳолда хизмат қилмоқда. Ота-оналар ҳам хотиржам, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларимиз эса ўз дўстлари орасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқда. Ўсмир йигитларимиз уларга ҳавас билан қараб, хизматга боришни бахт деб билмоқда. Чунки бугунги миллий армиямиз дунёдаги ривожланган давлатлар армияси даражасидек замонавий техника, малакали ҳарбий мутахассислар билан таъминланган. Йигитларимиз ҳарбий кўникмалардан ташқари дунёвий билим ва сиёсий онгларини шакллантириб, касб-кор соҳиби бўлиб армиядан қайтишмоқда. Ўсмирларимиз ўртасида Ватанга бўлган ҳурмат, садоқат ва фидойилик ўсиб бормоқда. Айниқса, ҳарбий хизматда ўз бурчини ўтаётган аскарларимизда бу туйғуни йилдан-йилга шаклланиб бориши кишини қувонтиради. Буни ёш йигитларимизни Қуролли Кучларда хизмат қилишга бўлган кучли иштиёқлари ҳам исботлаб турибди.



**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА УЧРАШУВ

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА "TELIASONERA" КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ Л.НЮБЕРГ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш доирасида трансмиллий компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига хорижий сармояларни жалб этиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

2007 йилнинг июлида "Coscom" қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятини "TeliaSonera" трансмиллий компанияси сотиб олган эди. 2002 йилда "Telia" (Швеция) ва "Sonera" (Финляндия) компанияларини бирлаштириш натижасида ташкил этилган ушбу компания бугунги кунда Европа, Болтиқбўйи ва МДҲ мамлакатларида энг йирик мобиль алоқа операторларидан бири ҳисобланади. Унинг йиллик маблағ айланмаси 14 миллиард АҚШ долларидан ортади. Дунёнинг 16 мамлакатида фаолият юритаётган "TeliaSonera" очиқ компания бўлиб, унинг 750 минг нафар акциядори бор, 28,5 минг киши меҳнат қилади. "TeliaSonera" шўъба компаниялар билан ҳамкорликда 96 миллиондан ортиқ абонентга хизмат кўрсатади.

Учрашув чоғида компания президенти Л.Нюберг Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш натижалари ва истиқболлари, мамлакатимизда телекоммуникациялар ва ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Шунингдек, томонлар янги мобиль алоқа йўналишлари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этди.

Л.Нюберг Ўзбекистон Республикаси ҳукуматидан "TeliaSonera" компанияси томонидан бошланган "Coscom" мобиль алоқа оператори тармоғини ривожлантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш ва унга кўмаклашишни илтимос қилди. Учрашув давомида Ўзбекистон ҳукуматининг "Coscom" тармоғини модернизация қилиш ва компания бизнесини ривожлантириш жараёнига ёрдам беришга тайёр экани билдирилди.

Л.Нюберг, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига самимий миннатдорлик изҳор этди ва мамлакатимизда, жумладан, трансмиллий компаниялар билан ўзаро манфаатли муносабатларни кучайтириш ҳисобидан тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан қониқиш ҳосил қилганини билдирди.

"TeliaSonera" раҳбари 2008 йилда компания Ўзбекистонда "Coscom" тармоғини модернизация қилишни режалаштираётганини ва бунинг учун 150 миллион АҚШ доллари ажратилишини маълум қилди. Бу иш мавжуд тармоқларни алмаштириш, қамров кўламини кенгайтириш ва базавий станциялар сонини кўпайтириш, шунингдек, янги турдаги хизматларни жорий этиш орқали амалга оширилади.

**(ЎзА)**

## ИСТЕЪДОД СОҲИБАЛАРИ ТАНЛОВИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР ЎРТАСИДАГИ КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ушбу ижодий беллашувда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ғолиб чиққан етмиш нафар иқтидорли қиз иштирок этди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти аъло ўқиши, жамоат ишларида фаол иштироки, ватанпарварлик, фидойилик, юрт тақдири учун дахлдорлик каби фазилатлари билан барчага ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватанимизнинг ана шу нуфузли мукофотига сазовор бўлган қизлар фан, таълим, адабиёт, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларида самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу йилги танловнинг барча босқичларида ўтган йиллардагидан анча кўп — беш ярим минг нафардан зиёд қиз иштирок этди. Даъвогарлар фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат йўналишларида ўз маҳоратини намойиш этиши баробарида миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, юртимиз тарихига оид билими, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини ҳам синовдан ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакат Президенти лавозимига қайта сайланганлиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

**• 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида Қорақалпоғистонда 11 та мактаб ва 2 та ёшлар турар жойи бунёд этилди. Ушбу иншоотларнинг умумий қиймати 5 миллиард сўмдан ошади. Бундан ташқари, 47 та мактаб реконструкция қилинди, 39 тасида капитал таъмирлаш амалга оширилди, 2 та мактабда ёпиқ спорт заллари қурилди.**

**•Бухоро шаҳрининг Пиридастгир кўчасида ёш оилаларга мўлжалланган тўрт қаватли замонавий турар жой биноси қад ростламоқда. Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ қурилаётган ушбу бинонинг ташаббускори «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши бўлди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамкорлигида жойларда фермерларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинарлари бошланди.**

**• «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими иккита янги дастурни амалга оширишга киришди. Улардан бири маҳаллаларда яшовчи туғиш ёшидаги аёллар ва қизлар учун кўзда тутилган бўлса, «Соғ тан — соғлом бола» деб номланган иккинчи дастур Бухоро шаҳридаги 3 та туғруқ муассасаси учун мўлжалланган. Дастурлар ижросига Ёшлар йилида 6 миллион 680 минг сўм маблағ сарфланади.**

**• Фарғона вилояти Қува туманида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қошидаги «Шарқ зиёкори» очиқ акционерлик жамиятининг янги китоб маркази иш бошлади. Бу ердан илмий ва бадиий адабиётлар, мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намуналари, чет эл адибларининг дунёга машҳур асарлари, дарслик ва қўлланмаларни сотиб олиш мумкин.**

**•Наманган шаҳрида Туркиянинг «MER LpLik» компанияси билан тузилган шартномага асосан «LpOOO MPT TEXTILE» фирмаси ўз фаолиятини бошлаш арафасида. Жорий йилнинг март-апрель ойида фойдаланишга топшириладиган корхонанинг 90 фоиз маҳсулоти Туркия, Италия, Польша, Болгария, Руминия, Украина, Россия, Греция, Ливан, Саудия Арабистони каби мамлакатларга экспорт қилинади.**

### ЖАҲОНДА

**• Франция Президенти Николя Саркози кеча мамлакатда яқин йилларга мўлжалланган ислоҳотлар режасини баён қилди.**

**• Кеча Хитой Халқ Республикаси космос, технологиялар ва миллий хавфсизлик бўйича давлат комиссиясининг ҳисоботи эълон қилинди. Унда таъкидланишича, Хитой 2008 йилда ўзининг одам бошқарадиган учинчи космик кемасини коинотга чиқаришни режалаштиряпти. Космонавтлар парвоз пайтида биринчи марта очиқ космосга чиқадилар.**

**• Европа Иттифоқи Киото протоколини имзоламаган давлатларга қўшимча импорт солиқларини киритиш масалаларини кўриб чиқмоқда.**

**• Кеча Грузия мухолифати етакчилари мамлакатдаги Франция, АҚШ ва Германия элчилари билан учрашишди. Биринчи тур Президент сайловларида иккинчи ўринни эгаллаган мухолифат вакили Леван Гачечилвадзе эса агарда иккинчи тур сайловлари ўтказилмаса очлик эълон қилишини билдирди.**

**• Кеча Ливан пойтахти Байрут шаҳрида БМТ тинчликпарвар кучлари колоннаси ҳаракатланаётган пайтда машиналардан бирининг портлатилиши оқибатида икки нафар аскар яраланди.**

**• Косовонинг иккита етакчи партияси ҳукуматни шакллантириш тўғрисида шартнома имзолади.**

**• Қаҳратон қиш Эронда ҳам кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Теҳрон халқаро аэропортида кўплаб рейслар бекор қилинди, мактабларда ўқиш вақтинча тўхтатилди.**

**• Грециянинг Пелапонес ярим оролида кучли зилзила рўй берди. Ер силкиниши кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллни ташкил этган. Табиий офат пайтида ўнлаб киши жароҳатланган бўлса-да, бироқ қурбонлар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.**

**• АҚШнинг Невада штатида электрон маҳсулотлар халқаро кўргазмаси очилди. Унда турли мамлакатлардан «Майкрософт», «Интел», «Куалкомм» каби 3 мингга яқин йирик компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.**

**• Россиялик ва европалик олимлар Юпитер ва унинг йўлдоши «Европа»га бир нечта космик аппаратлар жўнатмоқчи. «Лаплас» деб номланган мазкур халқаро лойиҳага асосан бу аппаратлар «Европа»да ҳаёт бор-йўқлигини ўрганади.**

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ – АМАЛДА

**ДАРСЛИКЛАР СИФАТИ ВА МАЗМУНИГА ЭЪТИБОР НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда таълимнинг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган аниқ ва табиий фанлар ўқитувчилари, услубчилар, дарсликлар муаллифлари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим сифати ва мазмунини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ юртимизда барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари такомиллаштирилиб, ўқув дастур ва режалари жаҳон андозалари ва давр талабига мос тарзда ишлаб чиқилди. Шу билан бирга мукаммал дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу аниқ ва табиий фанлар йўналишида яратилаётган дарсликлар мазмунида ҳам ўз ифодасини топаётир. Жумладан, бугунги кунда физика фани бўйича юртимиз олий таълим даргоҳларида А.Бойдедаевнинг "Номувозанатли статистик физика асослари", Ж.Тошхонова, Х.Маҳмудованинг "Физикадан практикум (механика, электр ва оптика)", Э.Расулов, У.Бегимқуловнинг "Квант физикаси" қўлланмалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида М. Ўлмасованинг уч жилдли "Физика" китоби, умумтаълим мактабларида эса П.Ҳабибуллаев, А.Бойдедаев, А.Баҳромовнинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи синфлар учун "Физика" дарслиги қўлланилмоқда.

Икки кун давом этган анжуманда дарслик ва ўқув адабиётларининг давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларига мослиги билан бирга ўқувчилар учун тушунарли, равон ва содда тилда ёзилганлиги, педагогик, психологик ва дидактик талабларга тўлиқ жавоб бериши, дарс жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, фанлараро боғланишнинг имкониятлари, таълим даргоҳларида астрофизика, астрономия, математика, физикани ўқитиш услубиятига оид маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**



*Кўргазмалар*

# БЎЁҚЛАРДА ЮРТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА 23-АНЪАНАВИЙ «РАССОМ ВА ТАБИАТ» ТАСВИРИЙ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. УНДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН 170 ДАН ЗИЁД АСАРЛАР ТУРЛИ МАВЗУ, УСЛУБ ВА ЙЎНАЛИШЛАРДА ЯРАТИЛГАН БЎЛИБ, РАНГТАСВИР ҲАМДА ГРАФИКА НАМУНАЛАРИДАН ИБОРАТ.**



Кўргазманинг асосий қисмини манзара ва натюрмортлар, шунингдек, мавзули воқеабанд композициялар ташкил қилади.

Элликка яқин муаллифларнинг ижод намуналари орасида айниқса, Акмал Жамолов, Азамат Отабоев, Муҳаммадёр Тошмуродов, Искра Шин, Дилором Мамедова, Евгений Мельников, Юрий Стрельников, Эркабой Машарипов каби мўйқалам усталарининг асарлари алоҳида бадиий қиммати, бўёқларнинг ёрқин-жозибадорлиги билан ажралиб туради. Ш.Ғофуров, Б.Қурбонов, М.Фатхулин, Ш.Қўзиева, Муртазо Эргашев каби рассомларнинг ижодига мансуб асарлар ҳам ўз оригинал мазмуни билан эътиборни тортади.

Кенг қамровли экспозициянинг маълум қисми эса фотография усталарининг энг сара ижод намуналари намойишига бағишланган бўлиб, ундан 60 га яқин фотоасарлар ўрин олган.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академиясининг раиси, академик Турсунали Қўзиев ушбу анъанавий кўргазманинг фаол, кўп йиллик ташкилотчиларидан бири марҳум Юрий Чернишовнинг ижодий фаолиятига тўхталиб, бу кўргазма унинг хотирасига бағишланганлигини, рассом асарлари шу сабабли кенг намойишга қўйилганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, таниқли ёзувчи ҳамда жамоат арбоби Ҳуршид Дўстмуҳаммад, академик рассом Владимир Бурмакин, ижодкор ёшлар вакили Журъат Раҳмонов 23-марта уюштираётган кўргазманинг ютуқли томонлари унинг ёш ижодкор мусаввирлар фаолиятида тутган ўрни хусусида батафсил фикр юритдилар.

**Баҳром ТОЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: «Рассом ва табиат» кўргазмасидан лавҳалар.**

**Владимир Гранкин олган суратлар**

*Иқтисодиёт*

# ЙОДЛАНГАН ОШ ТУЗИ

**БУГУНГИ КУНДА ЙОДЛАНГАН ТУЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИНСОНЛАР СОҒЛИҒИ УЧУН НИҲОЯТДА ФОЙДАЛИ ЭКАНЛИГИНИ, У БЎҚОҚ КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИНИ ҲАММАМИЗ ЯХШИ БИЛАМИЗ.**

Шу боис ҳам ҳар бир истеъмолчи ана шундай йодланган ош тузини харид қилишга ҳаракат қилади. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Орзу ош тузи» шўъба корхонаси тадбиркорлари ҳам аҳоли саломатлиги йўлида маҳсулот тайёрлашга интилиб, ўзларининг маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида тайёрланаётган ош тузининг етарли даражада йодланишига эришишмоқда. Шунинг учун, корхона савдо белгиси билан қадоқланаётган ош тузи маҳсулотининг харидорлари сафи ошмоқда.

Бир неча йилдан бери фаолият кўрсатаётган ушбу корхона ўтган йилда ўзининг янги биноси ва ишлаб чиқариш цехларига эга бўлди. Цехлар замонавий қадоқлаш ускуналари билан жиҳозланди, қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

— Мақсадимиз истеъмолчини фақатгина керакли маҳсулот билан таъминлаш бўлибгина қолмай, — дейди корхона раҳбари Абдураҳим Мираҳмад,— балки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшишдир. Шу боис ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг йодланиш даражасига, намлигини камайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида ош тузининг йодланганлигини аниқловчи «Йодочар» маҳсулотини ҳам яратдик. Тузларимизнинг сақланиш муддати узайтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонада меҳнат қилаётганлар учун яратилаётган шарт-шароитлар меҳнат самарадорлигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

# ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

**ҲАР БИР МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР УНИНГ ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТИШИДА, БОЗОРДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.**

«WIMM-BILL-DANN» корхонасида тайёрланаётган сут ва сут маҳсулотлари ҳам шу боис қисқа давр ичида истеъмолчиларга манзур бўлиб, доимий харидорларига эга бўлди. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотларнинг қадоқланишига қаратилган катта эътибор буюртмачилар сафининг ортишида омил бўлмоқда.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти талаблари асосида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хорижий линиялар келтириб ўрнатишга, уларнинг қувватидан унумли фойдаланишга эришиляпти. Италиядан келтириб ўрнатилган «Тетрапак» линияси бунга яққол мисолдир.

Бозорни, харидор дид ва эҳтиёжини ўрганиш самарасини шунда яққол сезиш мумкинки, 2005 йилда корхонада уч турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунга келиб уларнинг тури 28 тага етди. Қаймоқ, сметана ва кефир маҳсулотларининг турлари кўпайди, қадоқланишга эътибор кучайтирилди.

Корхона маҳсулотлари фақатгина пойтахтдаги истеъмолчиларини таъминлабгина қолмай, республикамизнинг турли вилоятлари харидорларига ҳам етказиб берилмоқда. Харидорларга қулайлик яратилган бўлиб, пойтахтимизда корхонанинг 26 та махсус фирма дўконлари мавжуд. Шунингдек, 468 та савдо шохобчалари орқали харидорлар сифатли сут ва сут маҳсулотларини харид қилиш имкониятига эга.

Тадбиркорлар жорий йилда янги хорижий линиялар келтириб ўрнатиш натижасида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот турларини янада кўпайтиришга эришишни кўзда тутишган. Бунинг учун ҳозирдан саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**«СОҒЛОМ ОИЛА — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ» ДЕГАН МАВЗУДА УЮШТИРИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ШАҲРИМИЗДАГИ ҚАТОР МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ.**

*Тиббиёт*

# МАҲАЛЛАЛАРГА «ГЛЮКОМЕТР»ЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ

Юнусобод туманидаги «Фирдавсий» маҳалласида ҳам бундай тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда.

— Аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида биз шифокорлар билан бамаслаҳат иш тутиб, соғлом турмуш тарзини амалга оширишга эришмоқдамиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Хайрулла Зокиров. — Шаҳар микёсида уюштирилаётган саломатлик ойликларида фаол иштирок этиб, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича оила шифокорларининг суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатаётган қандли диабет хасталиги юзасидан олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бераётир. Бундан ташқари маҳалламизда «Тозалик соғлиқ гарови» деган мавзуда давра суҳбатларини ташкил этиш яхши йўлга қўйилган. Бу саъй-ҳаракатлар туман доирасида қўллаб-қувватланиб, муносиб тақдирланмоқда. Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Медиа лиет» компанияси ҳам бизнинг бу борадаги фаолиятимизга яхши баҳо берди. «Бутунжаҳон қандли диабет касаллигига қарши курашиш куни» муносабати билан компания қон таркибидаги қанд моддаси миқдорини аниқловчи махсус тиббий асбоб-ускунани совға қилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, «Глюкометр» деб номланган бундай тиббий қурилма Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро маҳалласи фаолларига ҳам тақдим этилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# МАҲОРАТ МАСКАНИ

**ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ, УЛАРНИ МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ БУНЁД ЭТУВЧИ, УНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН МУНОСИБ ВОРИСЛАР ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ БЕВОСИТА ҲАМДА БИЛВОСИТА МУРАББИЙ-ЎҚИТУВЧИЛАР ЗИММАСИГА ЮКСАК ВАЗИФАЛАР ЮКЛАЙДИ. ШУНДАЙ ЭКАН, БУНИНГ УЧУН МУРАББИЙ-ЎҚИТУВЧИ ЎЗ БИЛИМИ, КАСБ-МАҲОРАТИНИ ОШИРИБ БОРИШИ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ИЛҒОР УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНА БИЛИШИ ҲАМДА ЎЗ УСТИДА ТИНИМСИЗ ИШЛАШИ ЛОЗИМ.**

Аммо бу иш етарли эмас, сабаби ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини интерфаол усулига асосланган илғор педагогик технологияларсиз кучайтириб бўлмайди. Бунинг маъноси шуки, мураббий ва ўқитувчиларнинг методик маҳоратини малака ошириш тизими йўли билан амалга ошириш мумкин.

Юқорида қайд этилган эҳтиёжларни қондириш мақсадида барча вилоятлар каби Тошкент шаҳрида ҳам бундан ярим аср муқаддам — 1957 йилда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташкил этилди.

Институтда мактаб директорлари, уларнинг ўринбосарлари, фан ўқитувчилари мактабгача таълим муассасаларининг мудирлари, услубчилари, тарбиячилар учун курслар ташкил этилган.

Ўша даврдаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг моддий-техник базаси етарли даражада эмасди. Жумладан, эски русумдаги битта компьютер синфи, эски мебель жиҳозлари бўлиб, кимё, физика ва биология фанларидан лаборатория асбоб-ускуналари умуман йўқ эди, хоналарнинг жиҳозланиши талабга жавоб бермасди. Ўқув хоналари етарли бўлмаганлиги боис, дарс машғулотлари тўлиқ икки сменада олиб бориларди.

Бугунги кунда халқ таълими соҳасида кадрлар малакасини ошириш ҳамда такомиллаштириш давлат талабларидан ҳисобланади. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизими ва бошқаришнинг таркибий тузилиши, фаолият мазмунини шакллантиришнинг талаб даражасида бўлиши учун ҳар бир вилоят (шаҳар) халқ таълими бошқармаси қошида Методика марказини ташкил этиш борасида вазирлик раҳбарияти томонидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 14 августдаги 144-сонли, 2001 йил 10 октябрдаги 119-сонли буйруқларига асосан институт қайта ташкил қилиниб, 2001 йил 17 декабрдан олий ўқув юрти мақомига эга бўлган давлат таълим муассасасига айлантирилди.

Ҳозирги вақтда институтда 6 та кафедра, 8 та бўлим мавжуд бўлиб, бўлимларда 22 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

Кузатишларга кўра ўқитувчи ҳар 5 йилда бир марта малакасини оширса, 30-40 йилда 6-8 мартагина малака оширар экан. Фан-техника тезкорлик билан ривожланаётган ҳозирги пайтда тингловчилар ҳар куни янгилик ахборотлардан вақтида бохабар бўлишлари ва уларни жоиз бўлса дарс фаолиятларида қўллашлари лозим.

Ана шулар эътиборга олингани ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги раҳбар ва педагог ходимларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш даврийлиги 3 йил этиб белгиланди.

Ҳозирги кунда педагог кадрларнинг ўз устида малака ошириб ўқишлари юзасидан талаб кучайиб бормоқда. Натижада уларнинг фикрлаш доираси кенгаймоқда, вақти тежалмоқда, ижодий қобилиятлари ривожланмоқда.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида курслар методик кунларда ташкил этилмоқда. Бу биринчи навбатда ўқитувчиларнинг таълим муассасасида фаолиятига ҳалақит бермайди. Иккинчидан, уларнинг фақат методик фаолият билан шуғулланишига имконият яратилади. Институтда ўқитувчилар ҳамкасблари билан ўз фаолиятлари бўйича фикр алмашадилар.

Институтда 96 та компьютер мавжуд бўлиб уларнинг барчаси Интернет тармоғига уланган. Булардан учта компьютер ўқув синфида (жами 45 та компьютер), ресурс марказида 35 та, қолган 16 та компьютердан кафедра ва бўлим ходимлари фойдаланишмоқда.

Яккасарой туманидаги 72-мактаб институтнинг амалий тажриба ўтказадиган лаборатория-таянч мактаби ҳисобланади. Институт профессор-ўқитувчилари илғор педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишда шу мактаб ўқувчиларига дарс ўтиш орқали кўрсатишмоқда. Чунки қўлланадиган янгилик, педагогик технологияларни ўқувчиларнинг қабул қилиш даражаси шу мактабда синаб кўрилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Мактаблараро Интернет Ресурс Маркази» лойиҳаси бўйича фаолият кўрсатаётган гуруҳи билан институт ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган. Тингловчилар ва таълим муассасаси ўқитувчилари Интернетдан ўзига зарур манбаларни очиб маълумотлар билан танишмоқда. Кимдир сайт яратаётган бўлса, яна бошқаси институт сайтига янги маълумотлар киритиб бормоқда.

Масофадан ўқитиш ва Ахборот-ресурс марказлари, таянч мактабларида туман ҳажмида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини барча фан йўналишлари бўйича ташкил этиш ва хизмат кўрсатишнинг такомиллаштириб борилиши, бунда барча таълим муассасаларидаги илғор тажрибалар банкидан фойдаланиб борилиши режалаштирилган.

Мактабдаги малакали, илғор ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари тайёрлаган методик қўлланма, дарс ишланмалар ва тавсияномалар институт профессор-ўқитувчилари билан қайта кўриб чиқилиб, ТШХТББ ва ТШПКҚТМОИ таъсис этган «Замонавий таълим» ахборотномасида чоп этилмоқда.

Институтда курсларнинг самарадорлигини сифатли ташкил этиш мақсадида етук олимлар, методистлар, дарслик муаллифлари, тажрибакорлар, янгилик яратувчи ўқитувчилар маъруза ўқишга жалб қилинмоқда.

Ўтган йилда режага кўра, 3376 нафар педагог малака ошириши режалаштирилган бўлса, аслида 498 (103,6 фоиз) нафар ўқитувчи курслардан муваффақиятли ўтди.

Махсус ишчи гуруҳи шаҳардаги 5 та туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги методика кабинети ва умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ўрганиб, уларга амалий ва методик ёрдам кўрсатди.

Малака ошириш тизимининг дастурий ва ўқув методик таъминотини такомиллаштириш, ДТСнинг тарғиботи ва талабларини мактаб ўқитувчиларига ҳамда қайта тайёрлов ва малака ошириш жараёни учун тадбиқ қилиш мақсадида ўтган ўқув йили давомида 25 та илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш билан боғлиқ методик тавсияномалар, қўлланмалар, илмий мақолалар ҳамда айрим фанлар бўйича тест саволлар тўплами чоп этилди.

Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим мактаб дарсликларини яратиш бўйича 2006 йилда ўтказган танловида институт профессор-ўқитувчиларидан 3 нафари ғолиб чиқиб, ўз фанлари йўналишидаги дарслик муаллифлари бўлишди.

ЮНЕСКОнинг «Ўзбекистонда Интернет технологияларни тарқатиш имкониятини ривожлантириш» лойиҳаси бўйича ташкил этилган курсларда институтнинг 4 нафар ўқитувчиси халқаро тренер даражасига эришди.

Институт профессор-ўқитувчилари курс машғулотларида 30 дан ортиқ янги педагогик технология усулларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Масофадан ўқитиш бўлимида «Осиё Тараққиёт Банки UZB-1961 Таълим секторини ривожлантириш дастури» асосида «Бошланғич синфларда математика», «Менделеев жадвали ҳақида», «Ўзбекистон харитаси ҳақида», «Маълумотлар базаси» тўғрисида педагогик дастур ва мультимедиялар яратилмоқда. Бундан ташқари, дастурчилар фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда маъруза матнларининг электрон вариантларини тайёрламоқдалар. Ўқувчиларга биология, миллий ғоя, тасвирий санъат дарсларида миллий ғояни сингдириш шулар жумласидандир. Бўлим ходимлари ҳамкорлигида ёзилган билимни текширишни тестлаш жараёни қўлланмаси Илмий Кенгаш муҳокамасидан ўтказилиб, чоп этилди.

Институтнинг келажакдаги вазифаларидан бири ахборот коммуникация технологиясини такомиллаштириш ва масофадан ўқитиш тизимига ўтишни (давлат талаблари асосида) амалга оширишдан иборат.

Тошкент шаҳридаги бешта мактабда масофадан ўқитиш ресурс марказлари фаолияти мувофиқлаштирилади. Мазкур ресурс марказлари учун «Йўриқчи» ва «Координатор»-ларни мактаблараро ресурс маркази билан биргаликда тайёрлаш, ресурс марказига қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун зарур бўлган ўқув, ўқув-методик, дидактик материаллар институтнинг масофадан ўқитишни мувофиқлаштириш бўлими орқали узатилиши назарда тутилмоқда.

Педагоглар қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида барча материалларни марказлардан олиб, мустақил равишда ўз устиларида ишлайдилар. Бу материаллар аудио, видео воситаларига ёзилган бўлиб, ўқитувчи улардан шароитга қараб уйида, мактабда ёки бевосита ушбу марказларда фойдаланиши мумкин. Уларнинг жадвал асосида 8-10 кунда бир марта консультация ёки суҳбат кўринишдаги «Контакт» машғулотларда ҳам қатнашиши ва бундай машғулотлар масофадан ўқитишни мувофиқлаштириш маркази мутахассислари томонидан ёки «Телекўприк» шаклида, электрон почта, Интернет тармоғи ёрдамида ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Масофадан малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида ўқитувчилар тегишли назорат турларидан ўтиб боради. Назорат материаллари тегишли марказларда мужассамлаштирилиб, уларга ўқиш якунида тегишли сертификат берилади.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари ўз йўналишлари бўйича маъруза матнларининг электрон версиясини такомиллаштириш ва шу мақсадда доимий ҳаракатдаги семинар-ўқувларини ташкил этишни мўлжаллашмоқда.

Интерфаол усулидаги дарс ишланмалари, қўлланмалар, тавсияларни курс тингловчиларига тезкорлик билан етказиш мақсадида институтда 2001 йилда Янги ахборот технологиялари ва нашриёт бўлими ташкил этилди. У ерда «Замонавий таълим» ахборотномаси чоп этила бошлади. Ҳозирги давргача «Замонавий таълим» ахборотномасининг 30 та сони босмадан чиқди.

Педагогларнинг касб маҳоратини ошириш ва уларни ахборот технология янгиликлари билан таништиришда институт кутубхонасининг ўрни беқиёсдир. Кутубхонада фанлар йўналишига оид 18 мингдан зиёд дарслик ва адабиётлар мавжуд. Керакли адабиётларни фонддан тезкорлик билан топиш компьютер зиммасига юклатилади, яъни кутубхона фондидаги барча адабиётлар, журналларнинг компьютердаги каталоги яратилиб, у Интернет тизимига уланади. Хоҳлаган ўқитувчилар учун каталог орқали тегишли адабиёт ёки нашрларни топиш имконияти яратилади. Шунингдек, кутубхонада яратилган алоҳида сайтга институт профессор-ўқитувчиларининг маъруза матнларини киритиш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, институтимиз педагогик жамоаси ўз зиммасига юкланган вазифаларни собитқадамлик билан амалга оширишга ўзларини масъул деб билади. Баркамол авлодни шакллантириш ҳозирги кунда қанчалик мураккаб ва қийин вазифа бўлмасин, бундан педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими асло четда эмаслигини унутмаслигимиз керак.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор**

# АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ТЎЛА ҚОНДИРИБ

**АҲОЛИНИ РИЗҚИ-РЎЗИМИЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА НОН ЗАВОДИНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА, АЛБАТТА.**

Тошкентда дастлабки нон корхонаси 1935 йилда Шайхонтоҳур туманида очилганини кекса авлод вакиллари ҳали-ҳали яхши эслайдилар.

«Тошкент нон» ассоциацияси ташкил топганига эса ўн йилдан ошди. Ана шу вақтдан бери уюшма пойтахт аҳолисини нон ва нон-булочка маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб келмоқда.

Бугунги кунда ассоциация Тошкентдаги ҳар бир туманда учтадан саккизтагача нон заводига эга. Замонавий технология асосида фаолият кўрсатаётган бу корхоналарда кунига 440 минг тонна нон ҳамда нон-булочка маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Саксондан ортиқ номдаги бу хил ризқи-рўзимиз ўзининг аъло сифатлилиги билан ҳам эътиборлидир.

Хамирдан парҳезли маҳсулотлар ҳам кўплаб чиқарилмоқда. Улар шифохона ва турли даволаш муассасаларига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ассоциация мутахассислари изланишлари билан қуритилган мева ва сабзавотлар қўшилган мазали оби-нонлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Темир моддаси билан тўйинтирилган унлардан печеньеларнинг бир неча хуштаъм хилига бўлган талаб ортиб бормоқда.

# ГРАН ПРИ СОВРИНДОРИ

**ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ИНШООТИ ЯНГЛИҒ БУНЁД ҚИЛИНГАН «БИЗНЕС-МАРКАЗ» ПОЙТАХТИМИЗ ЧИРОЙИГА ЧИРОЙ ҚЎШИБ ТУРИБДИ.**

Гўзал Тошкентнинг марказий қисмида салобатли қад ростлаган бу 14 қаватли улкан бинода тадбиркорлик билан шуғулланаётган бизнесменлар ва инвесторлар учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Ҳозир бу ерда иккита ресторан, иккита бар, тиббиёт маркази, соғломлаштириш мажмуаси жойлашган. Бизнесмен ва инвесторлар томонидан уюштириладиган турли йиғинлар учун бир нечта конференц залдан фойдаланилади. Айни вақтда уларда ҳар хил семинарлар, учрашувлар ҳам ўтказилади. Бинонинг юқори қаватларидан иккитаси меҳмонхоналарга ажратилди. Улар энг яхши мебеллар билан таъминланган. Бу борадаги марказ фаолияти яқинда муносиб тақдирланди. «Олтин-Устун-2007» архитектура бўйича Ўзбекистон Миллий мукофоти — Гран При бош совринини қўлга киритилгани марказнинг нуфузи ортиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Янги йилда марказда сув ҳавзасига эга бўлган спорт-соғломлаштириш мажмуасини қуриш режалаштирилди. Мажмуада жойлашган компания ва фирмалар фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча қулайликлар ҳам яратилади.

**Аббос АҲМЕДОВ**

# Маънавият — ақл кўзгуси

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ШАХС ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТЛИ, ЧИН ВАТАНПАРВАР ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. МАЪЛУМКИ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА ҲАМ ТАЛАБА-ЁШЛАРГА ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ИХТИСОСЛИК МАЛАКАЛАРИНИ БЕРИШНИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ,УЛАРДА ЭРКИН ФУҚАРО МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ ҲОЗИРГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ ЭКАНЛИГИ ҚАЙД ЭТИБ ЎТИЛГАН.**

**БУГУНГИ КУНДА НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА БУ БОРАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЭКАНЛИГИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЖОИЗ. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ III БОСҚИЧИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ХУСУСИДА МАЗКУР УНИВЕРСИТЕТНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ПРОРЕКТОРИ НУРИДДИН ДОСАНОВ БИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.**



## ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

— Аввало шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, яқинда «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Президентимиз кириб келаётган янги 2008 йил-



ни «Ёшлар йили» деб эълон қилдилар. Бу албатта мамлакатимиздаги барча ёшларни, жумладан, университетимиз ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшларни чексиз қувонтирди, қалбларини фахрга тўлдирди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, ёшлар барча соҳаларда ўзларининг билим ва ҳунарлари, истеъдодлари, ташаббускорликлари билан улкан ютуқларга эришмоқдалар.

Университетимиз талаба-ёшлари ҳақида ҳам фахрланиб гапириш мумкин. Шуни айтиш жоизки, ушбу масканда талаба-ёшларнинг чуқур билим олишлари, шу билан бирга маънавий-ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Университетда талаба-ёшлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар концепциясини яратиш ва шу асосида тарбиявий ишлар методикасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш энг долзарб масалага айланди. 2007 ўқув йилида университетда маънавий-ахлоқий тарбия соҳасидаги ишлар қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилмоқда. Яъни, талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақил Ўзбекистонимизнинг ватанпарвар фуқаролари этиб шакллантириш, уларда миллий ғурур, миллий феъл-атворнинг энг яхши сифатларини тарбиялаш ва такомиллаштириш, Ватан ва миллат олдидаги фуқаролик, фарзандлик бурч ва вазифаларини бажаришга тайёрлаш, уларда фуқаро сифатида ўз бурчларини ҳалол бажариш туйғуларини уйғотиш ва такомиллаштириш, оилапарварлик масъулиятини, ота-она, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, эл-юрт олдидаги бурч туйғусини тарбиялаш, талаба-ёшларни жамият тараққиётига таҳдид соладиган ҳар қандай экстремистик оқимларга нисбатан муросасиз, уларга қарши жанговар курашчи этиб тарбиялаш, талабани эркин, мустақил шахс сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган инсон сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юқоридаги йўналишлар бўйича университетда ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланди. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида талаба-ёшлар ва университет атрофидаги маҳаллаларда фуқаролар орасидаги маърифий ишларни такомиллаштириб борилишига катта эътибор қаратилди.

Шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик ғояларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида университетда ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, Маънавият тарғибот маркази, жамоат ташкилотлари, жамғармалар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. 2006-2007 ўқув йилида маънавий-ахлоқий тарбия соҳасидаги ишлар қуйидаги усул ва шаклларда амалга оширилди. Жумладан, Президентимиз асарларини ўрганишга бағишланган тарихий саналар ва байрамларга бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар, ахлоқий тарбия ва урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, Ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш туйғусини шакллантиришга қаратилган тадбирлар, гиёвандликка қарши курашга оид, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга оид, ҳуқуқий-тарғибот ва жамиятда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, инсон саломатлиги ва жисмоний тарбия соҳасида ва бошқа мавзуларга оид тадбирлар шулар жумласидандир.

Ўқув йили давомида университет миқёсида 300 га яқин турли хил маънавий-маданий тадбирлар амалга оширилди. Шулардан 130 га яқини университет ҳудудида, 50 дан ортиғи эса бевосита университет талабалар турар жойларида ўтказилди. Бу тадбирлар асосан гиёвандлик,



ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, шунингдек, миллий ғоянинг асосий тамойилларини тарғиб этишга бағишланди. Улар конференция, семинар, учрашувлар, баҳс-мунозара, давра суҳбати, кўрик-танлов ва тренинг шаклларида олиб борилди. Университетда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг III босқичида талабалар билан олиб борилган маънавий-ахлоқий тарбия ишлари йил сайин миқдор жиҳатидан кўпайиб бориши билан бирга унинг сифати, самарадорлиги ва таъсирчанлиги ҳам ошиб бормоқда. Бунда университетда 60 дан ортиқ турли хил тўгаракларнинг фаолият олиб бориши ҳам ўзига хос омил бўлмоқда. Ушбу тўгаракларга 1500 дан ортиқ талаба-ёшлар аъзо бўлишган.

Университетда уюштирилаётган турли хил кўрик-танловлар, жумладан «Президент асарларини энг яхши биладиган талаба», «Сиз қонунни биласизми», «Навоийхон талаба», «Қувноқлар ва зукколар», «Балли, қизлар», «Иқбол», «Гиёвандлик— аср вабоси», «Аудиториялар жиҳози ва озодалиги» сингари танловлар ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақил республикамизга муносиб баркамол, билимли, чин ватанпарвар инсон қилиб тарбиялаш бизнинг асосий мақсадимиздир. Зеро, ёшларимиз келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчидирлар.

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.**

**СУРАТЛАРДА: университетда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлардан лавҳалар**

---

**ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ, ХУСУСАН ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАНБАЛАР ОРАСИДА ҲАҚИҚИЙ ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ КАТТАДИР. МУЗЕЙЛАР (ЮНОНЧА МУСИОН — МУЗАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЖОЙ) — ТАРИХИЙ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ АСЛ НУСХАЛАРИНИ, АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ТОПОНИМИКАГА ОИД МАТЕРИАЛЛАРНИ ТЎПЛАЙДИ, САҚЛАЙДИ, ИЛМИЙ АСОСДА ЎРГАНИБ ТАҲЛИЛ ҚИЛАДИ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, НАТИЖАЛАРНИ ЭСА ЭКСПОЗИЦИЯ СИФАТИДА ОММАЛАШТИРАДИ.**

*Маданият масканларида*

## МУЗЕЙЛАР — ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Музейлар хазинасида, асосан моддий ва тасвирий нарсалар, шунингдек, санъат асарлари жамланади, шу билан бирга ёзма манбалар (қадимдан то ҳозирги давргача бўлган тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китоблар) сақланади. Юртимизда музейларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг охирига бориб тақалади. Дастлабки музейларни ташкил этиш ва бойитишда таниқли рус олимлари В.Ошанин, Н.Маев, В.Вяткин, Н.Северцов ва маҳаллий ихлосмандлардан М.Қосимов, А.Асқаров, Мирза Абдулла Бухорий кабиларнинг хизмати катта. Улар ўлканинг минералогия, нумизматика, этнографияси, флора ва фауна дунёсига оид ажойиб бой коллекциялар тўплашган. 1876 йил Тошкентда, 1896 йил Самарқандда, 1899 йил Фарғонада ўлкашунослик музейлари очилди. Нодир фан учун аҳамиятли экспонатлар Россиянинг марказий музей ва кутубхоналарига жўнатилар эди. 1918 йил Ўрта Осиёда биринчи бадиий музей (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат музейи очилди). 1975 йилга келганда Ўзбекистонда 34 давлат музейи мавжуд эди. Мустақиллик даврида асрлар давомида яратилган бебаҳо, улкан маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаси қилиб белгиланди. 1996 йил «Темурийлар тарихи давлат музейи» ва «Олимпия шон-шуҳрат» музейи, 2002 йил «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, 2004 йили Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси барпо этилди.

Музейларда тўпланган ёдгорликлар музей предметлари деб аталади. Улар табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги факт, далил, исбот ҳисобланади.

Музей материалларидан унумли фойдаланиш учун музейшуносликдаги таснифланиш бўйича музей предметлари бўлинишини билиш керак. Улар қуйидагилардан иборат: буюм ёдгорликлари, тасвирий ёдгорликлар, ёзма манбалар, кино-фото манбалар.

Буюм ёдгорликларига иш қуроллари, хом ашё, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, қурол-яроғлар, туғлар, нишонлар, тангалар, маиший предметлар, амалий санъат намуналари киради.

Тасвирий ёдгорликларга — рассомчилик, графика, гравюралар, литография, ҳайкалтарошлик каби санъат асарлари ҳамда фотография, диапозитив санъат асарлари киради.

Ёзма ёдгорликларга — қўлёзмалар, ҳужжатлар, хатлар, варақалар, китоблар, даврий нашрлар киради.

Кино-фото ёдгорликларга — диапозитивлар, киноплёнкалар, овозли ёзувлар ва бошқалар киради.

Музей экспозицияси тарихни ўрганишнинг энг қулай ва мақбул усулидир. Экспозиция сўзи «кўрсатмоқ» маъносини англатиб, унинг энг биринчи вазифаларидан бири таълим-тарбия жараёнига музей предметларини киритишдир.

Она-Ватан тарихига бағишланган экспозиция ўқувчиларга музей ёдгорликлари ва материалларини кўрсатиш орқали тарихий жараёнларни англашга хизмат қилади. Ўқувчи музей ахборотини тўлиқ ўзлаштириши учун унга экскурсиянинг мақсади ва моҳиятини тушунтириш талаб қилинади.

Музей ёш авлодга аждодларнинг чуқур билим, улкан тарихий тажрибаларни сингдириш билан бирга, уларни миллий ғурур ва миллий ўзлигини англашга ўргатади.

**Офтобхон ТОЖИБОЕВА, Тошкент Политехника касб-ҳунар коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.**

---

## МАФТУНКОР РАҚСЛАР ЖОЗИБАСИ

**САНЪАТНИНГ БИЗГА МАЪЛУМ БЎЛГАН КЎПГИНА ТУРЛАРИ МАВЖУД. САНЪАТНИНГ ҚАНДАЙ БЎЛИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ХОҲ У АМАЛИЙ САНЪАТ БЎЛСИН, ХОҲ У БАДИИЙ ЁҲУД КИНО САНЪАТИ БЎЛСИН, У ИЖОДКОРДАН КАТТА ИСТЕЪДОД, КУЧЛИ МАҲОРАТ, МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ВА АЛБАТТА, ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИ КИШИСИ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.**

Бу санъат турлари асрлар давомида ривожланиб келмоқда ва бугунги кунда ҳам йўқолмасдан, аксинча янада сайқаллашиб, шаклланиб келмоқда. Барча миллат ва элатларда ўзининг миллий санъатлари мавжудки, улар буни кўз қорачиғидек асраб- авайлашади ва у билан фахрланишади. Мана шундай санъат турларидан бири «рақс санъати» саналади. Бу санъат асрлар давомида кишиларга маънавий озуқа манбаи бўлиб келган.

Рақс бошқа санъат турларидан ўзининг ўта нафислиги, шу билан бирга нозик ҳаракатлар жилоси, қарашлар билан ҳиссиётларни томошабинга етказиб бериш орқали кишини ўзига ром қилиши билан ажралиб туради. Унда ижодкорнинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, фикрлари, орзу-интилишлари, кўз қарашлари, имо-ишоралар сўзсиз хатти-ҳаракатлар орқали ифодаланади.

Масалан, мумтоз рақс ҳаракатларида ўтмишдаги ўзбек аёлининг оғир ҳаёти, кечинмалари ифодали тарзда намоён бўлиб, руҳиятини изтиробга солади. Ўша давр нафасини ҳис қилиб, кишини ўйчан ҳолатга солади. Ёки бўлмаса, маиший рақсларда раққосалар кишига енгиллик, қувноқлик ва беихтиёр кулгу бағишлайди ва кайфиятини кўтаради.

Мумтоз рақсни ва умуман, ҳар қандай рақсни ижро этиш учун инсонда алоҳида қобилият, ўзига хос ҳусусият ва албатта ўз касбига чексиз меҳр-муҳаббат бўлиши даркор. Ҳар бир раққоса аниқ ва бир турда ҳаракатлар қилаётгани билан рақсда у ўзгача бўлиб намоён бўлади. Бу ўша раққосанинг ички кечинма ва рақсни томошабинга етказиб бериш жараёнидаги кайфиятига боғлиқдир. Ундаги бу хусусият натижасида раққоса биргина кўз ифодаси, қўл ҳаракатлари ва тананинг ҳолатини мутаносиб равишда ҳаракатлантириш орқали маълум таассуротни изоҳлайди. Натижада раққосалар турли-туман кўринишда кўз ўнгимизда гавдаланади ва бизга маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади. Бу эса ниҳоят даражада машаққатли ва узоқ давом этган изланишлар ва меҳнат натижасида амалга ошади. Шунинг учун, маҳорат билан, юракдан чиқариб ижро этилган, дилларни ларзага солувчи ҳар бир рақсни санъат асари деб баҳолаш мумкин.

Ўзбек рақс санъати тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у асрлар оша ўз мафтункорлиги ва сеҳрини сақлагани ҳолда дунёнинг ҳамма халқлари ва инсонларни ўзига ром этиб келмоқда.

Яқин тарихдан бизга маълумки, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Қундуз Миркаримова, Юлдуз Исматова каби машҳур рақс санъати намояндалари миллий рақсимиз довруғини бутун жаҳонга ёйишган. Улар яратган мактаб, қолдирган бой маданий-маънавий мерос бугунги кун ижодкорларига катта сабоқ бўлиб келмоқда. Хусусан, «Баҳор», «Етти гўзал», «Ўзбекистон», «Тановар» рақс ансамбллари ўзбек рақс санъатининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг изланиш ва интилишларини давом эттирган ҳолда, янги замонавий йўналишларда ижод қилаётган ансамбллар сони бугунги кунга келиб кўпаймоқда.

**Гулноза ҒУЛОМОВА**

---

*Таълим*

## ДАВР РУҲИГА МОС

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШГАНДАН КЕЙИН ЯНГИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ВА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Ана шу муҳим жараён яқинда чоп этилган янги ўқув дарслигида ўз ифодасини топди. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» деб номланган бу нашр олий ўқув юрти бакалавр, магистрант ва аспирантлари ҳамда сиёсий масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланди.

Ўқув адабиётида Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда жаҳон бўйича орттирилган бой тажрибалар ҳам умумлаштирилган. Шунингдек, унда мустақиллик мафкурасининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ёритилган.

## МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ МАЖМУАСИ

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА «НОТИҚЛИК САНЪАТИ» ЙЎНАЛИШИДА ҲАМ МАШҒУЛОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИДА УШБУ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ЎҚИЛГАН МАЪРУЗАЛАР ҲАМ ЎЗ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.**

Шу боис бу машғулотлар матнлари умумлаштирилиб, алоҳида тўплам ҳолида чоп этилди. Таниқли олимларнинг ўқиган маърузаларини тартибга солишда ҳам ўзига хос меъёрга амал қилинди.

Бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган «Нотиқлик санъати» курсида фойдаланиш мақсадида нашрдан чиққан мазкур қўлланма талабалар, ўқувчилар учун зарур адабиёт бўлиб хизмат қилади.

## ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБАЛАРНИ МАЪРИФИЙ ВА МАЪНАВИЙ БИЛИМЛАР БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ҚАТОР ИБРАТЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Бундай жараённи ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш воситалари ёрдамида уюштиришга ҳам киришилди.

Бир неча ўқув хоналарига диапроектор, проектор экрани ўрнатилди. Бу эса замонавий педагогик ахборот технологияларини таълимда кенг қўллаш имконини берди.

Шунингдек, ахборот таълим тармоғининг ресурсларини шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш тадбирлари кўрилди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

*Санъат*

## ХИТОЙЛИК РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ХИТОЙЛИК РАССОМЛАРНИНГ АСАРЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНЯПТИ.**

Мазкур кўргазма Бадиий академиянинг халқаро алоқалар дастури доирасида тайёрланган бўлиб, ушбу йўналишда олиб борилаётган изчил фаолиятнинг ўзига хос самарасидир. Гап шундаки, ўн нафарга яқин ўзбекистонлик рассомнинг ижодий иши 2006 йил Урумчи шаҳрида ўтказилган кўргазмада намойиш этилиб, катта санъат байрамига айланиб кетган эди.

Жорий йил дастлабки ойининг биринчи ҳафтасида ўтаётган кўргазмада хитойлик рассомларнинг тасвирий санъатнинг барча йўналишларида яратган олтмишга яқин суратлари намойиш этиляпти.

Синьцзян уйғур автоном райони санъат ва маданият музейи директори Журъат Қодирнинг фикрига кўра, бундай кўргазмаларнинг ташкил этилиши ўзбекистонлик рассомларнинг ижоди билан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда муҳим аҳамиятга моликдир.

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

**ПОЙТАХТДАГИ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯСИ УНИВЕРСИТЕТИДА ЯНГИ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ УСУЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Мазур лойиҳалар мамлакатимиздаги бир қанча йирик университетларда таълим беришнинг янги усулларига бағишланган семинарларда фаол иштирок этган ўқитувчилар томонидан тайёрланди. Бу тақдимот БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг имкониятларини кенгайтириш» лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Замонавий таълим беришни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

**«Туркистон-пресс»**

## Оз-оз ўрганиб дона бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

#### ҲИКМАТЛАР

Ёмон ёв учун жангда тадбир қил,
Яшир ниятингни, яраш айлагил.

* * *

Сирингни билиб қолса сендан бўлак,
У фикру у йўлдан кечишлик керак.

* * *

Агар хоҳламассан дилинг оғришин,
Дили оғриганларнинг соз эт ишин.

* * *

Кучинг душманингдан агар кам эрур,
Ғариблар дуосини олмоқ зарур.

Нечунким улар оҳидир мўътабар,
Баҳодирларингдан кўра иш берар.

* * *

Эриш маънига, бўлса ақлинг агар,
Нечунким қолиб маъни, сурат кетар.

* * *

Ўлик тинч ётар гўрида муттасил,
Агар тинч ётиб ухласа ундан эл.

* * *

Ўзинг соч хазинангни элга шу чоқ,
Калити қўлингдан тушар эртаёқ.

* * *

Менинг тирноғимдан бўлак ҳеч қачон
Ким орқамни қашлар, бўлиб меҳрибон?

* * *

Уйингдан ғариб кетмасин бенасиб,
Мабодо бўларсан ўзинг ҳам ғариб.

* * *

Ғурурланма хайр айласанг бир нима,
Бўлаклар гадо, мен улуғман дема.

* * *

Зару нозу неъмат эмас пойдор.

#### МАСАЛ

Қизига деди яхши деҳқон аёл,
Тўкинликда очликни қилгил хаёл.

Идишларни сув бирла тўлғаз тамом,
Ариқдан оқиб турмагай сув мудом.

Бутун давлатинг дўст учун сочмагил,
Зарар бергувчи ёвдан андиша қил.

Қуруқ қўл қилолмайди мушкулни ҳал,
Узун қўл ўяр дев кўзин ҳар маҳал.

Бору йўқни сарф этганингдан кейин,
Топилмас керак вақтида бир тийин.

Гадолар-ку тўймайди хайринг билан,
Ўзинг оч қолурсанми деб қўрқаман.

* * *

Баланд эрди бир марднинг ҳиммати
Ва лекин етишмас эди давлати.

Нечун давлати борда йўқ ҳиммати,
Нечун ҳиммати борда йўқ давлати?!

Даромаддан эҳсони кўпроқ эди,
Шунинг-чун унинг чўнтаги қоқ эди.

* * *

Учиб кетса қуш, қайта келмайди у.

* * *

Тирикдил ўлик ётса тупроқда ҳам,
Ўликдил тирикдан кўра муҳтарам.

Агар яхши ўлса, дили ўлмагай,
Ёмон ўлса ҳам ҳеч зарар бўлмагай.

* * *

Узоқни кўрувчи киши мутлақо,
Ҳаётида кек сақламас дил аро.

Кўрар ул киши хирмонидан зарар,
Бошоқчини қаҳр ила қувлар агар.

Агар ўлса бир золими нобакор,
Шу чоқда эзилган бўлур бахтиёр.

Ғариблар дилин эзмагил жабр этиб,
Мабодо бўлурсан ўзинг ҳам ғариб.

* * *

Киши шер каби бўлса ҳам паҳлавон,
Агар тулкилик қилса, итдан ёмон.

* * *

Ҳалол топгилу ёру дўст-ла егил,
Бировларни ҳеч сарқитин кутмагил.

* * *

Ҳалол ишла мардларча айшингни сур,
Ўзи ишламай еса, номард эрур.

* * *

Ақлли кишида бўлур ҳиммати,
Хасисларда йўқ ақлию фикрати.

* * *

Топар мардлар эҳсон билан кўп зафар.

* * *

Каромат, сахийлик-ла мардлик эрур,
Қуруқ сўз ичи бўш нағора бўлур.

* * *

Қасос вақтида меҳр қандай гўзал.

* * *

Биров ерга сочгай уруғ, бил шуни,
Берар унга ҳосиллар очлик куни.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган







Оппоқ қор — қиш зийнати

## Спорт янгиликлари

### ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**СУРИЯДА ОҒИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОСИЁ КУБОГИ МУСОБАҚАСИДА ҚИТЪАМИЗНИНГ ЎН ОЛТИТА ДАВЛАТИДАН КЕЛГАН ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАР ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.**

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоасининг беш нафар аъзоси совринли ўринларни эгаллади. Ҳамюртларимиздан Руслан Алпанов даст ва силтаб кўтариш бўйича умумий ҳисобда 260 килограмм натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Мансур Чашимов ўз вазн тоифасида 335 килограмм натижа билан биринчи ўринни эгаллади.

Терма жамоамиз аъзоларидан яна уч нафари – Субхон Қобилов, Шерзод Юсупов ҳамда Иван Ефремов ўз вазн тоифасида иккинчи ўринни эгаллади.

Осиё кубоги мусобақасида иккита олтин ва учта кумуш, жами бешта медални қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

### РАҚИБЛАРИМИЗ АНИҚЛАНДИ

**МАЛАЙЗИЯНИНГ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИДА (ОФК) ҚИТЪАМИЗНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ТУРНИРИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ 2008 ЙИЛДА БЎЛАДИГАН ГУРУҲ БЕЛЛАШУВЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ БЎЛДИ.**

Нуфузли мусобақада қитъамизнинг футболи ривожланган ўн тўртта мамлакатининг энг кучли иккитадан жамоаси еттита гуруҳга бўлиниб, беллашувларда иштирок этади. Ҳар бир гуруҳдан фақат ғолиб жамоалар чорак финалга йўлланма олади. Навбатдаги босқичда улар сафига Осиё чемпионлар лигасининг амалдаги ғолиби – Япониянинг "Урава Редс" жамоаси қўшилади.

Осиё чемпионлар лигасида мунтазам иштирок этиб келаётган Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони – Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси бўлажак мусобақа гуруҳ босқичида араб футболи вакиллари билан куч синашадиган бўлди. Қуръа натижасига кўра, «D» гуруҳидан жой олган пахтакорчилар чорак финалга бериладиган ягона йўлланма учун Қатарнинг «Ал-Гарафа», Ироқнинг «Арбил» ва Қувайтнинг «Ал-Қодисия» жамоаси билан рақобатлашади.

Мазкур гуруҳдаги асосий рақибимиз қувайтлик футболчилар ҳисобланади. "Пахтакор" футболчилари биринчи тур учрашувини ўз майдонида "Ал-Қодисия"га қарши ўтказади.

Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган ва мамлакат кубоги мусобақасида финалгача етиб борган пойтахтимизнинг иккинчи вакили — "Қурувчи" жамоасига қуръа омадсиз келди. Нуфузли турнирда илк марта қатнашадиган Миржалол Қосимов шогирдлари "А" гуруҳида Осиё чемпионлар лигасининг бу йилги финалчиси – "Сепахон" (Эрон), мазкур мусобақанинг икки карра ғолиби — "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони) ва Суриянинг "Ал-Иттиҳод" жамоалари билан беллашади. "Қурувчи" беллашувларни Саудия Арабистонида "Ал-Иттиҳод"га қарши бўладиган ўйин билан бошлайди.

Осиё чемпионлар лигасининг "В" гуруҳидан эса «Ал-Васл» (Бирлашган Араб Амирликлари), «Сайпа» (Эрон), «Қувайт спорт клуби» (Қувайт) ҳамда «Ал-Қувва Ал-Жавия» (Ироқ) жамоалари жой олди.

"С" гуруҳида араб мамлакатлари футболчилари ўзаро беллашиб, «Ас-Садд» (Қатар), «Ал-Вахда» (Бирлашган Араб Амирликлари), «Ал-Карама» (Сурия) ҳамда «Ал-Аҳли» (Саудия Арабистони) жамоаларидан қай бири навбатдаги босқичга чиқишини ҳал қилишади.

Осиё футбол конфедерациясининг янги вакили – Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» жамоаси эса "Е" гуруҳида Хитойнинг «Чанчунь Ятаи», Жанубий Кореянинг «Похан Стилерс» ва Вьетнамнинг «Бин Дуонг» жамоалари вакилларига қарши тўп суради.

«Крунг Тай Банк» (Таиланд), «Бэйцзин Гуоань» (Хитой), «Нам Дин» (Вьетнам) ва «Кашима Антлерс» (Япония) жамоалари эса "F" гуруҳида ўйнайди.

Ниҳоят, мусобақанинг сўнгги - "G" гуруҳи «Мельбурн Виктори» (Австралия), «Чонбури» (Таиланд), «Гамба Осака» (Япония) ҳамда «Чуннам Дрэгонс» (Жанубий Корея) жамоаларидан таркиб топди.

Осиё чемпионлар лигаси қоидасига кўра, гуруҳ беллашувлари 2008 йилнинг 12 мартидан 21 майигача ўтказилади.

### БОКСЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

**ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ – ЖАҲОН БОКС ТАШКИЛОТИ (WBO) ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИНИНГ ДЕКАБРЬ ОЙИ УЧУН ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. МАЗКУР ЖАДВАЛГА УЧ НАФАР ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОКСЧИ ҲАМ КИРИТИЛДИ.**

Жаҳон бокс ташкилоти рейтинг жадвалида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари орасида энг юқори поғонани 52,1 килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган Қаҳрамон Орзиқулов эгаллади. Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси ҳисобланган 27 ёшли боксчимиз WBO рўйхатида кучли учликдан жой олди.

Профессионал боксчилик фаолиятини 2001 йилда бошлаган ҳамюртимиз шу кунгача ўн еттита жанг ўтказиб, шулардан ўн тўрттасини ўз фойдасига ҳал қилган, саккизта беллашувда рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган ва бир бор дуранг натижа қайд этган. Қаҳрамон Орзиқуловнинг кам жанг ўтказган бўлишига қарамай, халқаро ташкилот рўйхатида баланд поғоналардан бирини эгаллаб тургани, боксчимизнинг асосан юқори рейтингга эга бўлган рақибларга қарши рингга чиқиб, уларни мағлуб этгани билан боғлиқдир.

Қаҳрамоннинг ҳозиргача ўтказган жанглари орасида энг муҳими 2006 йилнинг 13 июлида Россия пойтахти Москва шаҳрида ташкил этилган беллашув ҳисобланади. Ўша жангда қозоғистонлик Марат Мазимбаев билан куч синашган ҳамюртимиз очколар ҳисобида зафар қучиб, рақибига тегишли бўлган Жаҳон бокс ташкилотининг "WBO Inter-Continental" - қитъалараро ва Халқаро бокс уюшмасининг (IBA) жаҳон чемпионлиги камарларини қўлга киритган.

Айни пайтда иқтидорли боксчимиз профессионал бокс машғулотларини Москва шаҳрида ўтказмоқда.

Дунёга доңғи кетган Андижон бокс мактабининг тажрибали яна бир вакили – Қувончбек Тойғонбоев эса вазни 69,8 килограмм бўлган боксчилар рейтингида тўртинчи ўринда қайд этилди. Фаолиятини давом эттираётган ўзбекистонлик профессионал боксчилар орасида энг кўп – ўттиз учта жанг ўтказган Қувончбек йигирма тўққизта жангда зафар қучган, шулардан ўн саккизтасида рақибларини соф ва техник нокаутга учратган.

Қувончбек Тойғонбоев Жаҳон бокс ташкилотининг «WBO Asia Pacific» - «Осиё ва Тинч океани» минтақаси чемпионлиги камари соҳиби ҳисобланади. Ҳамюртимиз бу унвонни 2006 йилнинг 3 декабрида чилилик Жоел Себастьян Майога қарши ўтказилган жангда қўлга киритган. Шундан сўнг у мазкур чемпионлик камарига даъвогарлар - россиялик Аҳмад Олигов, танзаниялик Ҳасан Матумла ва грузиялик Звиади Пуртсхванидзе билан бўлган беллашувларда муваффақиятли ҳимоя қилди.

Профессионал бокс мутахассислари Қувончбек Тойғонбоевни 69,8 килограмм вазн тоифасида Жаҳон бокс ташкилоти йўналиши бўйича жаҳон чемпиони украиналик Сергей Дзинзирукнинг олтин камарига асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этмоқда. Ўзбек йигити чемпионлик жангини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши учун яна бир нечта рейтинг жангларида муваффақиятли қатнашиши лозим.

Вазни 58,9 килограмм бўлган боксчилар орасида мағлубият нималигини билмай келаётган тошкентлик Алишер Раҳимов ҳам фаолиятида илк маротаба Жаҳон бокс ташкилоти рейтингида кучли ўнликда қайд этилди. Профессионал боксчилик фаолиятини 2004 йилда бошлаган ҳамюртимиз шу кунгача ўн бешта жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган, еттита учрашувни муддатидан олдин якунлаган.

Машғулотларни Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтаётган Алишер Раҳимов ўз вазн тоифасида «WBO Asia Pacific" - "Осиё ва Тинч океани" минтақаси чемпионлик камари соҳиби ва Россия чемпиони ҳисобланади. Бундан ташқари, енгилмас боксчимиз Глобал бокс уюшмаси (GBU) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони олтин камарини ҳам қўлга киритган.

### РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**ХАЛҚАРО ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИ – ФИДЕ ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ 2008 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.**

Унга кўра, 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов энг сара шахматчилар рўйхатида ўттиз тўртинчи ўринда қайд этилди. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер жорий йилга қадар, умумий ҳисобда 2681 балл тўплашга муваффақ бўлди.

Умумий рўйхатда эса, россиялик Владимир Крамник етакчилик қилмоқда. Шунингдек, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ва болгариялик Веселин Топалов ҳам кучли учликдан жой олди.

Халқаро шахмат федерациясининг йигирма ёшгача бўлган дунёнинг энг кучли йигирма нафар шахматчиси рейтингига яна бир ўзбекистонлик гроссмейстер – Темур Гареев ҳам киритилди. Рўйхатнинг ўн тўққизинчи поғонасида қайд этилган 20 ёшли ҳамюртимиз ҳисобида 2557 балл мавжуд.

Ёш шахматчилар ўртасида кучли учлик норвегиялик Магнус Карлсен, украиналик Сергей Карякин ва хитойлик Хао Вангдан иборат.

Шахматчилик фаолиятини давом эттираётган ўзбекистонлик шахматчилар рейтингида эса мамлакатимизнинг энг кучли гроссмейстери Рустам Қосимжонов етакчилик қилмоқда. Ўзбекистон рейтингининг иккинчи поғонаси Темур Гареевга насиб этган бўлса, тажрибали гроссмейстер Марат Жумаев учинчи ўриндан жой олган.

**Боҳир БЕК**



**— Мановилар ҳаллослаб чопгандан кўра, чойхонада маза қилиб ош емайдими?**
**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

### ХАНДАЛАР

Байрам кечасида ўғил отасидан сўради:

— Дада, бу арчани қаердан олиб келдингиз, игналари қўлимга кириб кетяпти.

— Ҳа, арча игнали бўлади-да, ўғлим. Биласанми, икки-уч кун ўтсин, буни жойига олиб бориб қўяман, сенга ёқмаётган бўлса.

— Уни қаерга олиб бориб қўясиз?

— Ҳа, орқа кўчада бундай арчалар кўп экан. Табиий арчани қидириб топа олмагач, ўша ердан бирини суғуриб олдим. Икки-уч кунга холос.

* * *

Руҳшунос бемордан сўраяпти:

— Шундай қилиб, ҳар куни кечаси босинқираб чиқасиз. Тушингизда алвастини кўрасиз. У бақириб-чақириб сизга ташланади, бошингизга ўқлов билан уради. Кейин уйғонганингизда бу нохуш манзара ғойиб бўлади. Шунақами?

— Шунақа эмас-да, доктор. Алвасти эрталаб ҳам ўшқиришда давом этади. «Пешингача ётаверасанми, тур ўрнингдан, ялқов. Болаларни боғчага олиб бор», — деб иш буюради.

### МУНАЖЖИМ МИНБАРИ

**10 ЯНВАРЬ,ПАЙШАНБА**

**Бугун сайёраларнинг самовий ҳолати инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар барқарорлик ва сермушоҳадаликка асосланишига хизмат қилади. Бошқаларнинг эркига ҳамла қилмаслик шарт. Ўзингиз ва ўз талантингизга ҳурмат ҳисси сизнинг ҳам атрофдагиларни иззат қилишингизни талаб этади.**

Кун, айниқса узоқ давом этадиган ва жадал кечадиган жисмоний меҳнат учун жуда қулай ва самарали келади. Ошиб-тошаётган ғайрат-шижоатингизга эрк беринг. Зеро, қаттиқ иштиёқ ва ғайрат кучини юмшатиш туйғуларингиз билан ҳамоҳангликни юзага келтиради.

Терининг ҳолати заифлашган бўлади, аллергия таҳдид қилиши мумкин. Суюқликни кўп ичмаслик, алкоголь ва кучли таъсир этувчи дори-дармонларни истисно қилиш тавсия этилади. Сезги аъзолари, жигар ва оёқларда жарроҳлик операциялари ман этилади. Шу кунларда камроқ юришингиз, пойабзалингиз қулай бўлиши керак, шунда оёқларингиздаги касалликларга мойиллик зарарсиз ўтиб кетади.

Тушларингиз қобилиятингизни ривожлантирувчи омиллар ҳақида ҳикоя қилади. Хавф-хатардан огоҳлантирувчи тушлар кўпроқ ўнгдан келиши кутилади.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

### *Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!*

*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.*

*Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.*

*Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.*



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-70

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3960 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Топширилган вақти: 14:14